Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИКА БСШЛАГАН ● № 198 (7338). ● 17 октябрь, 1980 йил ● Ж У М А ● Баҳоси 2 тийин.



Моҳир механизатор Д. Қўшназаров мавсумда 200 тоннага етказиб пахта терди. Бу Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози механизаторлари орасида энг юқори кўрсаткичдир.

●

Областимиз пахтакорларининг социалистик мажбуриятларини ҳам қисқа муддатда бажаришларида механик-ҳайдовчиларнинг ҳиссаси катта бўлди. Улар байрамолди Чақириқларидан руҳланиб, шу кунларда ҳам фидокорона меҳнат қилишяпти. Суратда Бўка районидаги Мичурин номли колхоз бригада бошлиғи И. Ғаффоров ва илғор дала гвардиячиси С. Жумабоев.

А. Мальцев фотолари.

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, ТАЙЁРЛАШ, ТРАНСПОРТ, ҚАЙТА ИШЛАШ ВА САВДО КОРХОНАЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ! ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ НОБУД БЎЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГИЗ!

ЕТИШТИРИЛГАН ҲАММА НАРСАДАН ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА ФОЙДАЛАНИШ ЛОЗИМ!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

ЯЛПИ ХИРМОН 6200 ТОННАГА ЕТАДИ

ЯНГИЙЎЛ районидаги «Коммунизм» колхози аъзолари якунловчи йил социалистик мажбуриятларини ва умуман ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун йил бошиданоқ фидокорона меҳнат қилиб, пахтазорларда мўл ва эртаки ҳосил етиштирдилар.

Колхозда пахта тайёрлаш йиллик халқ хўжалик плани 14 октябрь куни бажарилди. Тайёрлов пунктларига 5149,5 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳар гектар майдондан ўртача 33,7 центнердан ҳосил олинди. Топширилган пахтанинг ҳаммаси юқори сортларга сотилди.

Бу улкан галабага бир қатор илғор бригада ва звено коллективлари катта ҳисса қўшдилар. Жумладан, Раҳим Жалолов бошлиқ бригада азаматлари 265 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42 центнердан хирмон кўтаришди. Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати Ислом Икромов, Тошпўлат Азимжонов, Темир Нурматов, Раҳмат Аҳмедовлар бошлиқ звеноларда ҳосилдорлик 40—45 центнерни ташкил этди.

Хўжаликда машина терминнинг 110 процент қилиб бажарилишида Ғанижон Қўчқоров, Омон Юсуфжонов, Хўжакелди Эралиев, Шукур Тожибоев сингари моҳир-механик ҳайдовчиларнинг ҳиссаси салмоқли бўлди. Уларнинг ҳар бири шу кунгача ўз агрегатлари бункеридан 120—150 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар.

Уруғлик пахтани ўз вақтида сифатли териб олишга ҳам алоҳида эътибор берилди. Бунинг учун кўпмингкилограммчи теримчилар мусобақаси кенг қулоч ёйдирилди. Меҳнат беллашувида бир неча марта голиб бўлган Солия Бойниёзова, Гулетар Ҳалилова, Дилором Михтиева, Қўчқор Соғиндиқов, Санобар Акромова, Турсуной Отакишиева, Қундуз Ҳошимова ва Ҳакима Тожибоевалар кунига хирмонга 150—180 килограммдан пахта териб тўкдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Республика Министрлар Советининг барча меҳнаткашларга Мурожаатидан руҳланган колхозчилар даладаги ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиштириб олишга қарор қилдилар. Планга қўшимча яна 1100 тонна пахта тайёрланади. Ялпи хирмон 6200 тоннага етказилади.

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

● **ЯНГИЙЎЛ. «ИНТЕРНАЦИОНАЛ» КОЛХОЗИ АЪЗОЛАРИ ДАВЛАТГА СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ ҲИСОБИГА ПАХТА ТОПШИРИШГА КИРИШДИЛАР.** Улар ҳозиргача ҳар гектар майдондан 32,2 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, қабул пунктларига 2805 тонна хом ашё етказиб беришди. Ялпи ҳосилнинг 95 процента машиналарда терилди.

Х. Норов, Ж. Мавлудов, Х. Усмоновлар бошлиқ бригадалар коллективлари бу ютуққа муносиб ҳисса қўшишди. Илғор механик-ҳайдовчилардан М. Ғойназаров, П. Аҳмедов, Ш. Оллоберганов, У. Дўсимбоевалар мавсум бошидан бери агрегатлари бункеридан 100—120 тоннадан «оқ олтин» тўкишди.

КПСС Марказий Комитетининг октябролди Чақириқларидан руҳланган колхоз аъзолари ҳосилдорликни 36 центнерга етказиш ва давлатга яна 300 тонна пахта топширишга қарор қилишди.

● **БЎКА. РАЙОН МАРКАЗИДА «КЎКОРОЛ» СОВХОЗИ ПАХТАКОРЛАРИ ШАРАФИГА МЕҲНАТ ШОН-ШУҲРАТИ БАЙРОҒИ КЎТАРИЛДИ.** Бу хўжалик коллективи октябрь ойи учинчи беш кунлиги якунларига кўра район хўжаликлари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби бўлди. Улар ўтган беш кунликда социалистик мажбуриятлари ҳисобига планнинг 5,5 проценти миқдорида пахта тайёрладилар.

● **ОҚҚЎРҒОН.** Районда пахта терминда иштирок этаётган 23 МИНГДАН КЎПРОҚ КИШИГА НАМУНАЛИ МЕДИЦИНА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ МАҚСАДИДА ЎЧТА КЎЧМА АМБУЛАТОРИЯ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН. Ҳар бир амбулатория учта хўжалик пахтакор ва механизаторларига, ҳашарчиларга хизмат кўрсатяпти. Кўчма амбулаториянинг врач ва фельдшерлари кунига 1500—1600 кишини медицина кўригидан ўтказмоқда.

Пахтакор ва механизаторлар малакали врачлар Э. Тожибоев, А. Пўлатхўжаева, М. Юсупова, Ш. Қосимов, медицина ҳамширалари М. Азизова, Г. Юсупова, Ж. Тешаевалар кўрсатаётган тиббий ёрдамдан айниқса мамнун бўлишяпти.

ПАХТА ДАВЛАТГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ЮЗАСИДАН 16 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан машинада бир кунда терилгани, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий пахта тайёрлаш ҳажмига нисбатан процент ҳисобида)

БЎКА	0,37	118,60	0,38	114,37
ПИСКЕНТ	1,20	112,39	1,04	124,52
ҒАЛАБА	0,30	112,11	0,23	117,83
БЕКОБОД	0,53	105,39	0,64	99,46
ОҚҚЎРҒОН	0,45	103,72	0,52	100,01
ЧИНОЗ	0,60	102,68	0,68	105,47
Янгийўл	0,70	99,31	0,80	95,88
Коммунистик	0,50	96,40	0,43	84,51
Ўрта Чирчиқ	1,31	93,26	1,07	93,52
Область бўйича:	0,60	105,90	0,60	105,72

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши (умумий пахта тайёрлаш ҳажмига нисбатан процент ҳисобида): БУХОРО — 104,56; ҚАШҚАДАРЁ — 100,56; Сурхондарё — 96,76; Жиззах — 95,60; Самарқанд — 92,74; Сирдарё — 92,26; Хоразм — 85,80; Фарғона — 83,72; Қорақалпоғистон АССР — 83,18; Андижон — 79,49; Наманган — 73,42; Республика бўйича — 89,73.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасида йигим-теримни уюштириш ва давлатга пахта сотиш юзасидан ўтказилаётган социалистик мусобақанинг октябрь ойи учинчи беш кунлиги якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга қолдирилди:

Ўрта Чирчиқ районида (район партия комитетининг секретари М. Э. Эгамбердиев, район ижроия комитетининг раиси Т. М. Мирёқубов, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи — М. Ўбайдуллаев, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитети раиси А. Ҳайдаров, район комсомол комитети секретари Р. Ҳикматов, «Ташоблсельхозтехника» район бирлашмаси бошқарувчиси А. Акбаров ўртоқлар). Бу район меҳнаткашлари давлатга пахта сотиш йиллик ҳажмини 93,26 процент, шу жумладан машина терими планини 98,52 процент бажардилар. Октябрь ойининг учинчи беш кунлигида пахта тайёрлаш йиллик ҳажмига нисбатан 4,13 процент, машина теримида планнинг 4,19 проценти миқдорида ўсишга эришилди.

Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозида (директори Т. Эрназоров, партия ташкилоти секретари М. Шаменов, ишчилар комитети раиси Х. Давиров, комсомол ташкилоти секретари О. Худойбердиев ўртоқлар). Бу совхоз ишчилари давлатга пахта сотиш йиллик ҳажмини 108,91 процент, шу жумладан машина терими планини 108,59 процент бажардилар. Октябрь ойининг учинчи беш кунлигида пахта тайёрлаш йиллик ҳажмига нисбатан 7,48 процент, машина теримида планнинг 9 проценти миқдорида ўсишга эришилди.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозига (раиси М. Исматов, партия ташкилоти секретари Қ. Қоражонов, касаба союз комитети раиси Қ. Мараҳимов, комсомол ташкилоти секретари Т. Бозорбоев ўртоқлар). Бу колхоз аъзолари давлатга пахта сотиш йиллик ҳажмини 102,84 процент, шу жумладан машина терими планини 117,58 процент бажардилар. Октябрь ойининг учинчи беш кунлигида пахта тайёрлашда йиллик ҳажмга нисбатан 9,64 процент, машина теримида планнинг 18,12 проценти миқдорида ўсишга эришилди.

Байроқ Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхозидан олиб берилади.

Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхозига (раиси М. Мараҳимов, партия ташкилоти секретари Р. Деҳқонов, касаба союз комитети раиси А. Иброҳимов, комсомол ташкилоти секретари А. Муродов ўртоқлар). Бу колхоз аъзолари давлатга пахта сотиш йиллик ҳажмини 96,83 процент, шу жумладан машина терими планини 142,9 процент бажардилар. Октябрь ойининг учинчи беш кунлигида пахта тайёрлашда йиллик ҳажмга нисбатан 9,88 процент, машина теримида планнинг 20,6 проценти миқдорида ўсишга эришилди.

Байроқ Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоздан олиб берилади.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Ўрта Чирчиқ районига, Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозига, Янгийўл районидаги «Коммунизм» ва «Партия XXI съезди» колхозларига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

* * *

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Ангрен шаҳрида** (шаҳар партия комитетининг секретари М. М. Орифжонов, шаҳар ижроия комитетининг раиси Ю. Н. Остряков, шаҳар комсомол комитетининг секретари Д. Абдуллаев ўртоқлар) қолдирилди. Бу шаҳарда меҳнаткашларни пахта теримига жалб этиш топшириғи бажарилиб, ҳар бир киши ҳисобига кунига ўртача 44,3 килограммдан пахта терилди.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Калинин районига (район партия комитетининг секретари Р. Қ. Қамбаров, район ижроия комитетининг раиси Х. Аҳмедов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси С. Исмоилов, район комсомол комитетининг секретари Р. Низомов ўртоқлар). Бу районда меҳнаткашларни пахта теримига жалб этиш топшириғи бажарилиб, ҳар бир киши ҳисобига кунига ўртача 24,4 килограммдан пахта терилди.

Бўка районидаги **Бобир номли 7-ўрта мактабга** (директори Х. Обидов, маҳаллий комитет раиси Б. Исмоилов, комсомол ташкилотининг секретари С. Маманазарова ўртоқлар). Бу мактабда ўқувчиларни пахта теримига жалб этиш топшириғи бажарилиб, ҳар бир ўқувчи ҳисобига кунига ўртача 106,7 килограммдан пахта терилди.

Байроқ Чиноз районидаги Олтинсарин номли 11-мактабдан олиб берилади.

Калинин районидаги С. Раҳимов номли 43-ўрта мактабга (директори К. Каримов, партия ташкилотининг секретари О. Файзиев, маҳаллий комитет раиси С. Ҳамидов, комсомол ташкилотининг секретари Ю. Тешабоев ўртоқлар). Бу мактабда ўқувчиларни пахта теримига жалб этиш топшириғи бажарилиб, ҳар бир ўқувчи ҳисобига кунига ўртача 77,2 килограммдан пахта терилди.

Байроқ Бўстонлиқ районидаги Бауман номли 4-ўрта мактабдан олиб берилади.

Янгийўл шаҳридаги Охунбобоев номли 15-ўрта мактабга (директори М. К. Туленова, партия ташкилотининг секретари М. Абдусаторова, маҳаллий комитет раиси Ҳ. Сотволдиева, комсомол ташкилотининг секретари М. Абдурасулова ўртоқлар). Бу мактабда ўқувчиларни пахта теримига жалб қилиш топшириғи бажарилиб, ҳар бир ўқувчи ҳисобига кунига ўртача 56,2 килограммдан пахта терилди.

Байроқ Чирчиқ шаҳридаги 17-ўрта мактабдан олиб берилади.

Олмалиқ шаҳридаги 126-ҳунар-техника билим юртига (директори Д. Мирзалиев, партия ташкилотининг секретари Ҳ. Йўлдошхўжаев, маҳаллий комитет раиси В. М. Коратун, комсомол ташкилотининг секретари Т. Исмоилов ўртоқлар). Бу билим юртида ўқувчиларни пахта теримига жалб этиш топшириғи бажарилиб, ҳар бир ўқувчи ҳисобига кунига ўртача 40,1 килограммдан пахта терилди.

Байроқ Оққўрғон районидаги 189-қишлоқ ҳунар-техника билим юртидан олиб берилади.

Ангрен шаҳридаги жисмоний тарбия педагогика билим юртига (директори Т. Ҳ. Ҳакимов, партия ташкилотининг секретари М. Мадалиев, маҳаллий комитет раиси Г. П. Чернова, комсомол ташкилоти секретари М. Абдураҳмонов ўртоқлар). Бу билим юртида ўқувчиларни пахта теримига жалб этиш топшириғи бажарилиб, ҳар бир ўқувчи ҳисобига кунига ўртача 78,4 килограммдан пахта терилди.

Байроқ Ангрен шаҳридаги медицина билим юртидан олиб берилади.

Ангрен шаҳри, Калинин райони қорхона ва ташкилотлари коллективларига, Бўка районидаги Бобир номли 7-, Калинин районидаги С. Раҳимов номли 43-, Янгийўл шаҳридаги Охунбобоев номли 15-ўрта мактабларга, Олмалиқ шаҳридаги 126-ҳунар-техника ва Ангрен шаҳридаги жисмоний тарбия педагогика билим юртларига кўчма Қизил байроқлар билан биргаликда илғор теримчиларни рағбатлантириш учун 500 сўмдан пул мукофоти ажратилди.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети қурилиш ва сув хўжаликлари ўртасида янги ерларни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалик оборотига киритиш, суғориладиган ерларни капитал текислаш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш, асосий ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва ишга туширш юзасидан ўтказилаётган социалистик мусобақанинг шу йил сентябрь ойи якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

«Ташкентводстрой» трестининг 5-механизациялашган кўчма колоннасига (бошлиғи Т. А. Ҳикматов, партия ташкилоти секретари Т. Назруллаев, касаба союз ташкилоти раиси Ю. А. Мартинов, комсомол ташкилоти секретари Ю. В. Бардин ўртоқлар). Бу колонна коллективи сентябрь ойида бош пудрат ишларини 108,3 процент, ўз кучлари билан 107,7 процент, объектларни ва тугалланган қурилиш босқичларини фойдаланишга топириш бўйича 124,7 процент, меҳнат унумдорлиги бўйича 111,4 процент бажарди.

«Ўзспецводмеханизация» трестининг 1-механизациялашган кўчма колоннасига (бошлиғи Т. Тожибоев, партия ташкилоти секретари П. Сидиқов, касаба союз ташкилоти раиси Ф. Ҳолиқов, комсомол ташкилоти секретари А. Ҳаитов ўртоқлар). Бу колонна коллективи сентябрь ойида бош пудрат ишларини 139 процент, ўз кучлари билан 180 процент, объектларни ва тугалланган қурилиш босқичларини фойдаланишга топириш бўйича 200 процент, меҳнат унумдорлиги бўйича 110 процент бажарди.

«Ташоблмелиоводстрой» қурилиш бошқармасининг 2-механизациялашган кўчма бошқармаси ва «Паркентводстрой» трестининг 3-механизациялашган кўчма колоннаси коллективларининг яхши ишлаётганлиги қайд этилди.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун «Ташкентводстрой» трестининг 5-механизациялашган кўчма колоннаси ва «Ўзспецводмеханизация» трестининг 1-механизациялашган кўчма колоннасига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

ҲАР БИР КИЛОВАТТ-СОАТ ҚАТЪИЙ ҲИСОБГА ОЛИНСИН!

16 октябрь куни Тошкентда саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ва коммунал хўжалиги ходимлари республика партия хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда область, район партия комитетларининг секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети раисининг, область, район ижроия комитетлари раисларининг саноат, қурилиш ва транспорт масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, шаҳар партия комитетларининг биринчи секретарлари ва шаҳар ижроия комитетларининг раислари, идоралар, бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари ҳамда партия ташкилотларининг секретарлари, партия, совет ҳамда комсомол органларининг, халқ контроли органларининг ходимлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари қатнашдилар.

Йиғилишда республика партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг 1980—1981 йил кузги-қишки даврда халқ хўжалигини энергия билан таъминлаш пухталигини ошириш борасидаги вазифалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Антонов, Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министри А. Ҳ. Ҳамидов, Самарқанд область партия комитетининг секретари И. К. Юсупов, Ўзбекистон ССР коммунал хўжалик министри А. М. Илюхин, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Н. М. Маҳмудова, Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Г. М. Саркисов, республика қурилиш министри С. А. Омеров, «Союзузбекгазпром» бирлашмасининг бошлиғи А. Р. Отажонов, «Ўзбекгидроэнергострой» трестининг бошқарувчиси Г. Г. Исаев, Сирдарё ГРЭСи партия комитетининг секретари Н. И. Урютина, Андижон область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари В. И. Поветко, Фарғона иссиқлик электр централининг бош инженери А. Л. Лившиц иштирок этдилар.

Докладда ва нутқларда қайд этиб ўтилганидек, республиканинг ишлаб чиқариш коллективлари, министрликлари ва идоралари, партия ташкилотлари беш йиллик мобайнида ёқилғи-энергетика комплекси қувватларини ошириш, электрни, иссиқликни, ёнилғини тежаб-тергаш борасида талайгина тажриба ортирдилар. Шу билан бирга халқ хўжалигини энергия билан таъминлаш пухталитини ошириш ишида ҳали жиддий камчиликлар бор. Бир қанча тармоқлар ва корхоналарда энергия ресурсларини нормалаш ва контроллик қилиш қониқарсиз олиб борилмоқда, уларни ташиш ва асраш вақтида нес-нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда. Баъзи бир жойларда қозонхоналар ва иссиқлик тармоқлари ремонти кечиктириб юборилди. Республикада энергиянинг иккиламчи манбаларидан сust фойдаланилмоқда.

Йиғилишда партия, совет, хўжалик ташкилотларининг республикадаги барча халқ хўжалик объектларини ва айниқса меҳнаткашларнинг маиший эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ объектларни энергия билан таъминлаш пухталигини ошириш юзасидаги ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кучайтириши муҳим вазифа эканлиги таъкидлаб ўтилди. Энергия билан ёқилғи истеъмол қилишнинг белгиланган нормалари ва лимитларига қатъий риоя этиш, ўртоқ Л. И. Брежнев Олмаотада сўзлаган нутқида айтганидек, белгиланган топшириқлар бажарилиши, давлат интизомига риоя этилиши учун кадрларга нисбатан талабчанликни ошириш зарур.

Сўзга чиққан ўртоқлар энергия ва ёқилғини тежаш, уларни авайлаб сарфлаш учун курашни кучайтиришда халқ депутатлари Советлари, халқ контроли органлари муҳим роль ўйнашлари тўғрисида гапирдилар. Мана шу ғоят муҳим ишда давлат интизомини мустаҳкамлаш иш самарадорлиги ва сифатини оширишга, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олишга имкон беради.

Йиғилишда қабул қилинган қарорда Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси ишини янада такомиллаштиришга доир тадбирлар белгиланган.

Актив йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. А. Хўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Р. С. Ашуралиев, Қ. А. Аҳмедов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри Бабрак Кармал 16 октябрь куни расмий дўстона визит билан Москвага келди.

Аэродромда Б. Кармални КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР давлат хавфсизлиги комитетининг раиси Ю. В. Андропов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев ва бошқа расмий кишилар самимий кутиб олдилар.

(ТАСС).

ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТИШДИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий дўстона визит билан Совет Иттифоқига келган Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри Бабрак Кармал 16 октябрь куни эрталаб Тошкент билан танишди.

Афғонистонлик меҳмон жаҳон пролетариатининг доҳийси В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар ва номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйди. Бабрак Кармал Ўзбекистонда бўлганлиги хотираси учун дўстлик ҳиёбонига дарахт ўтказди. У Тошкент метрополитенида саёҳат қилди.

Бабрак Кармал ва унинг ҳамроҳлари шу куни Тошкентдан Москвага жўнаб кетдилар. АДР, СССР ва Ўзбекистон ССРнинг давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида уларни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Л. И. Греков, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, республика ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник Ю. П. Максимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Х. Р. Раҳимов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ЮТУҚЛАР ЧЕГАРА ЭМАС

«Ташкентзаготхлопкопром» бирлашмасининг Янгийўл районидаги механика устахонаси областимиз пахта тозалаш заводларини эҳтиёт қисмлар билан таъминловчи ягона корхонадир. Ҳозир устахона коллективи ўндан ортиқ пахта тозалаш заводларига толани тойлашда ишлатиладиган металл ленталар, қуритиш-тозалаш цехлари учун газопроводлар, тола ва момиқ ажратувчи машиналар учун аррали валлар сингари 25 хилдан ортиқ эҳтиёт қисмларни етказиб бермоқда.

Устахона ишчилари олдидаги вазифа улар зиммасига катта масъулият юклайди. Буни корхона меҳнаткашлари яхши тушунадилар. Ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йилида қўлга киритилаётган ютуқлар ҳам шундан далолат беради. Коллектив беш йиллик планини В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги арафасидаёқ бажариб қўйди.

Устахонада КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган. Ишчилар унда актив иштирок этиб, олган мажбуриятларини шараф билан бажаришяпти. Йил бошидан буён корхонада планга қўшимча равишда 80 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилди. Ҳозир коллектив йиллик планни 7 ноябргача бажариш ва планга қўшимча равишда 300 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш учун кураш олиб бормоқда.

План ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш, ишчилар ўртасида мусобақани янада авж олдириш коммунистларнинг роли катта бўлмоқда. Цехлар ва ишлаб чиқариш участкаларида муттасил ёритиб бориляпти. Шахсий беш йиллик планларини муддатидан илгари бажарган И. Тарасов, В. Тошматов, А. Новокшанов каби ишлаб чиқариш илғорлари бошқаларни ҳам янги-янги зафарларга чорламоқдалар.

Устахона коммунистларининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида ана шу ютуқлар тилга олинди, ташкилий-партиявий ишларга принципиал баҳо берилди, навбатдаги вазифалар белгилаб олинди, ишлаб чиқаришни ривожлантириш юзасидан қатор фойдали таклифлар ўртага ташланди.

Бошланғич партия ташкилоти секретари Х. Хабибуллиннинг ҳисобот докладида ва музокараларда сўзга чиққан коммунистлардан А. Абдураимов, Қ. Содиқов, А. Новокшанов ўртоқларнинг нутқида корхонада мураббийчилик ҳаракатини янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришга партиявий раҳбарликни кучайтириш, берилган топшириқ учун масъулият ҳиссини ошириш, оммавий-сиёсий ишларга комсомоллар ва партиясиз активларни кўпроқ жалб этиш зарурлиги уқтирилди.

Устахона бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот сайлов йиғилиши қабул қилган қарорда коммунистлар билдирган фикр ва мулоҳазалар умумлаштирилди, партия XXVI съездини муносиб кутиб олиш юзасидан бажарилиши керак бўлган вазифалар аниқлаб олинди.

М. ПЕЙСЕНОВ.

ЕР ИЛМИНИ ЭГАЛЛАЙЛИК

Ортиқ Тожибоевни хўжаликда механизациянинг илми-корини яхши тушунадиган мутахассис сифатида таниндилар. Кейинги йилларда у сабзавотчиликни комплекс механизациялаштириш соҳасида кўпгина ишларни амалга оширди. Бугунги кунда Тошкент районидаги Навоий номли колхозда картошка, помидор ва бошқа экинларни экишдан тортиб ишлов бершгача бўлган жараёнларнинг ҳаммаси техника ёрдамида бажарилаётганлигида ҳам унинг ҳиссаси каттадир.

Колхозда Ортиқ Тожибоевга ўхшаш коммунистлар оз эмас. Хўжалик партия ташкилоти ҳисобидаги 122 нафар коммунист ҳозирги кунда КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш юзасидан авж олган социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда.

Колхоз партия комитетининг секретари Т. Алимовнинг ҳисобот докладида ютуқлар ўз ифодасини топди.

Хўжалик меҳнаткашлари беш йиллик планни барча кўрсаткичлар бўйича уч йилу саккиз ой ичида шараф билан адо этдилар. Йиллик план эса август ойининг биринчи ярмидаёқ бажариб қўйилди. Ҳозирги кунда колхоз сабзавоткорлари кейинги йил ҳисобига маҳсулот топширимоқдалар.

Партия ташкилоти сабзавот ва полиз экинларидан мўл ҳосил етиштириш масаласига доимий эътибор бериб келмоқда. Колхоз партия ташкилотининг бўлиб ўтган йиғилишлари кун тартибига назар ташласангиз бунга яна бир марта ишонч ҳосил қиласиз.

Ер илмини яхши билган коммунистлар миришкор деҳқонлар билан биргаликда кам меҳнат сарфлаб, юқори ҳосил олмоқдалар. Мана бир мисол: тўққизинчи беш йилликда хўжаликда картошкадан гектарига 8,5 тоннадан ҳосил кўтарилган эди. Эндиликда бу кўрсаткич 14 тоннага етиб қолди. Сабзавотчиликда ҳозирга келиб ҳар гектар ердан 40 тоннадан маҳсулот етиштириляпти.

Юқори ҳосилдорлик катта даромад демакдир. Буни колхоз меҳнаткашларининг турмуш даражаси яққол кўрсатиб турипти. Ўтган беш йилликда колхозчиларнинг ўртача иш ҳақи 80 сўмга тўғри келган бўлса, ўнинчи беш йилликда 138 сўмга етди.

Хўжаликда коммунистлар ташаббуси билан қурилиш ишлари ҳам кенг қулоч ёйдириб юборилган. Ҳисобот даврида қишлоқ кўчалари асфальтланди, хонадонларга водопровод сувлари келтирилди, янги чойхона, кинотеатр қурилди. Мана шу ишларнинг ҳаммасида А. Қорабоев, Ж. Исроилов, И. Исломов каби коммунистларнинг ҳиссаси каттадир.

...Бир пайтлар Навоий номли колхоз районда энг қолоқ хўжаликлардан эди. Бугунги кунда у кўп тармоқли, пешқадам коллективга айланди. Хўжаликда чорвачилик сердаромад соҳага айланиб боряпти. 1979—1980 йилларда чорва қишловини намунали ўтказганликлари учун колхоз чорвадорлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлигини олишга муваффақ бўлдилар. Ҳозир улар моллар зотини яхшилаш ҳисобига ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сут миқдорини 5 минг килограммга етказиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Тўққиз ой ичида ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут 3600 килограммга етди.

Шу билан бирга колхоз партия ташкилоти олдида ҳали кўпгина вазифалар турипти. Идеологик, оммавий-сиёсий, тарбиявий ишларни янада ривожлантириш керак. Дала шийпонлари сиёсий агитация маркази бўлиб қолсин. Хўжаликда радио узел иши ҳамон қониқарли эмас. Радио орқали лекция ва суҳбатлар, колхоз янгиликлари муттасил бериб борилмаяпти.

Партия йиғилишларида коммунистлар кўпгина фойдали фикр ва мулоҳазаларни билдирадилар. Лекин уларни амалга ошириш, қабул қилинган қарорлар ижроси кўнгилдагидек эмас. Ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан коммунистлар эришилган ютуқлар янги марраларга даъват этишини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида колхоз партия комитетининг янги состави сайланди.

Йиғилишда район партия комитетининг биринчи секретари Ю. Толипов нутқ сўзлади.

П. НИШОНОВ.

ИШОНЧЛИ РЕЗЕРВ, АКТИВ ЁРДАМЧИ

Бекобод шаҳар партия комитети шаҳар комсомол комитетининг бошланғич комсомол ташкилотларининг ички фаолиятини такомиллаштириш соҳасидаги ишини кўриб чиқди.

Шаҳар партия комитети шаҳар комсомол комитети съезди ва ВЛКСМ XVIII съезди қарорларига амал қила бориб, комсомол ташкилотларининг ички фаолиятларини такомиллаштириш борасида катта ишларни бажараётганлигини таъкидлади.

Кейинги беш йил ичида комсомол ташкилотларида 5 мингдан ортиқ киши ВЛКСМ аъзолигига қабул қилинди. Шулардан 700 дан ортиги ишчилардир. Халқ хўжалигида 6620 ВЛКСМ аъзоси ёки бутун шаҳар комсомол ташкилотининг ярмидан кўпроғи меҳнат қилмоқда.

Шаҳар ташкилоти структураси такомиллашиб бормоқда. Ҳозир Бекободда 12 мингдан ортиқ ВЛКСМ аъзосини бирлаштирган 104 та бошланғич, 405 та цех комсомол ташкилотлари ва 40 та комсомол группаси фаолият кўрсатмоқда.

Шаҳар комсомол комитети партия аъзолигига тавсия этилувчи комсомолларга бўлган талабни тобора оширмоқда. Кейинги икки йил ичида комсомол кафолати билан 207 киши партия аъзолигига номзодликка қабул қилинди.

Ҳисобот ва сайловлар даврида билдирилган танқидий фикр ва мулоҳазалар, таклифларга алоҳида эътибор берилмоқда. Комсомол ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган 43 та таклифдан 27 таси амалга оширилди. Бошқа фикр ва мулоҳазалар ҳам қаётга тадбиқ этилмоқда. Айни кунларда КПСС XXVI съезди шарафига комсомол ёшлар коллективлари ўртасида социалистик мусобақани авж олдириш бўйича катта ташкилий ва оммавий-сиёсий ишлар олиб борилаяпти.

Шу билан бирга шаҳар партия комитети қайд қилдики, шаҳар комсомол комитети бошланғич комсомол ташкилотлари фаолиятини айрим ҳолларда чуқур таҳлил этмайди. Айрим комсомол ташкилотлари ВЛКСМ сафларини ўстириш ва комсомол ташкилотлари сифат составини яхшилаш, комсомолнинг хўжалик ва маданий қурилишдаги ролини ошириш борасида талаб даражасида ишламаяптилар. Шаҳар комсомол комитети бюроси ВЛКСМ сафларини ўстириш масаласини камдан-кам муҳокама қилади.

Комсомол ташкилотлари ишидаги камчиликлар айрим партия ташкилотларининг комсомол ташкилотлари фаолиятига чуқур кириб бормасликлари, уларга доимий ёрдам кўрсатмаётганликлари натижасида содир бўлмоқда.

Шаҳар партия комитети шаҳар комсомол комитети ва бошланғич комсомол ташкилотларига мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда комсомол ташкилотларининг ўсиб келаётган авлодни коммунистик руҳда тарбиялашдаги ролини ошириш лозимлигини уқтирди.

Комсомол ташкилотлари олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун иш услуби ва методини янада такомиллаштириш, ташкилий ва сиёсий ишлар савиясини ошириш, ҳар бир комсомол комитети фаолиятида ишчанлик, ижодийлик, камчиликларга нисбатан муросасизликни тарбиялаш зарур.

Шаҳар партия ташкилотларига комсомол ташкилотларига ёрдам кўрсатиб бориш, партия йиғилишларида комсомол ташкилотлари фаолиятини мунтазам кўриб бориш, комсомол органларига сайланган коммунистларнинг ҳисоботларини тез-тез эшитиб туриш тавсия қилинди.

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкентдаги бош заводида электр станциялари ва подстанциялар учун турли ускуналар ишлаб чиқарилмоқда. Суратда: илғор электр монтажчи Талия Собирова ва участка мастери Лидия Хантова.

И. Глауберзон фотоси.

ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ ҚОР ҲАМ ЁНАДИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қишлоқ ўрта ҳунар-техника билим юртларни тармоқларини кенгайтириш ва уларнинг ишларини яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги қароридан сўнг ўтган давр ичида бу соҳада бир қанча ишлар қилинди. Партия ва ҳукуматимизнинг алоҳида эътибори туфайли қишлоқ хўжалигига малакали кадрлар тайёрлайдиган ҳунар-техника билим юртларининг сони ортди.

1974 йилда Тошкент райони территориясида 68-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти очилди. Районда биринчи ва ягона бу билим юртига «Келес» совхози маъмурияти катта клуб биносини ажратиб берди.

Шу кунгача билим юрти уч мингдан ортиқ малакали кадрлар тайёрлаб берди. Улар ҳозир район далаларида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

1975 йил 25 декабрда эса билим юрти учун янги ўқув комплекси қуриш тўғрисида қарор қабул қилинди. Қарорга биноан янги комплекс 1980 йилда фойдаланишга топширилиши керак эди. Бу масъулятли вазифани — комплексни қуришни «Узплодоовощвинпром» аграр-саноат ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз зиммасига олганди.

Лекин шуниси ажабланарлики, бу йил фойдаланишга топшириш керак бўлган комплекснинг лойиҳаси ҳали ҳам битмаган. Билим юртининг ҳозирги биноси анча йиллар аввал қурилган, бир неча марта ремонт қилинишига қарамай ҳозирги кун талабига жавоб бермайдиган даражада бўлиб қолган. Шундай ноқулай шароитда бу ерда тўққиз хил қишлоқ хўжалиги ҳунарини эгаллаётган 600 нафар ўқувчи таълим олмоқда.

«УЗПЛОДООВОЩЧВИНПРОМ» АГРАР-САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Лойиҳага кўра билим юртининг янги ўқув комплексида 720 ўринли ўқув хонаси, ўқитувчилар учун 48 квартирали турар-жой биноси, устахона, спорт майдончаси, трактор-машина парки ва замонавий ускуналар билан жиҳозланган ўқув лабораториялари қурилиши керак. Бу комплекс саккиз гектар майдонни эгаллайди. Билим юрти шундай замонавий типдаги ўқув комплексига муҳтож.

Пойтахт областининг турли районларидаги 18 жойда билим юртига қарашли фиалиаллар ташкил этилган. Албатта, ягона ўқув комплексида кадрлар тайёрлаш ҳар томонлама қулай бўлур эди. «Узплодоовощвинпром» раҳбарлари эса бу ишга эътиборсизлик билан қарамоқдалар.

Билим юрти раҳбарлари эса бир неча марта мутасаддилар ташкилотларга мурожаат қилиб, натижа чиқаролмагач, республика Министрлар Советига мурожаат қилишга мажбур бўлдилар. «Узплодоовощвинпром» раҳбарлари бу гал ҳам ҳар доимгидек ваъдани қуюқ бериб, яна ўз билганларича иш тутдилар. 1978 йилга келиб улар янги баҳонани рўкач қилиб лойиҳа ишларини тўхтатиб қўйишди. Шаҳар канализация тармоғи бўлажак комплексдан олти километр узоқликда экан. Канализацияни қуришга эса катта маблағ кетади. Лойиҳа ишлари тугаётганида иш яна тўхтатиб қўйилди. Шуни назарда тутиш керакки, лойиҳани бошлаш учун министрликлар, район партия ва ижроия комитетлари, буюртмачи ташкилотлар кўп вақт ва маблағ сарфладилар. Лойиҳани тузиш ва унинг ҳисоб-китоб ишларини кўриб чиқиш учун кўплаб архитектор ва инженерлар тер тўкдилар. Шунча ҳаракатдан кейин иш яна орқага сурилиб кетди. Иложсиз аҳволдаги билим юрти ходимлари ўзлари елиб-югуришга тушдилар. Ўқув комплекси учун яна қўшимча икки гектар ер ажратилди. Мақсад — ажратилган ерда ўқув комплексидан чиқадиган чиқиндиди ва ифлос сувларни тозалаб чиқариш учун махсус мослама қуриш. Қаловини топсанг — қор ёғар дейишади. Лекин мутасадди ташкилот раҳбарларига қалов эмас, эътибор етишмаяпти. Ахир, орадан беш йил вақт ўтди.

«Узплодоовощвинпром» раҳбарлари эса ўзларига топширилган бу муҳим вазифага панжа орасидан қараб келмоқдалар. Ҳолбуки, лойиҳани тузиш ҳам, қуриш ҳам уларнинг зиммасига юклатилган. Пойтахт области қишлоқ хўжалиги учун мазкур билим юрти тайёрлаб берадиган кадрлар жуда ҳам зарурлиги уларни сира қизиқтирмаётганга ўхшайди...

А. ИКРОМОВ,
68-қишлоқ ҳунар-техника билим юртининг директори.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Тошкентдаги химия-фармацевтика заводида доридармонларни ўрашнинг янги усули жорий этилди. Таблетка устини полихлорвиниль пленка ҳамда фольга билан ишончли даражада чиройли қилиб қоплаш учун бир неча дақиқагина кифоя қилади. Аввалларида бу иш асосан қўлда бажариларди.

Янги ускунани ўзлаштиришга Татьяна Пушкарева салмоқли ҳисса қўшди. Жуда катта иш стажига эга бўлган Татьяна дориларни ўраш техникасининг барча турларини мукаммал эгаллаб олган. Унинг турдош касбларни ўзлаштириб олганлиги смена топширигини ҳар куни ошириб бажариш имкониятини беради: ҳозир у 1982 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Шу кунларда Тошкент химия фармацевтика заводининг 120 дан зиёд меҳнатчиси ўн биринчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот топширмоқда. Булар орасида Римма Газарова, Лидия Шуварина, Баҳор Насриддинова, Холида Тожиева ва бошқалар бор. Корхона коллективи съездолди зарбдор вахтасида туриб ноябрь охиригача беш йиллик топшириқни бажаришга, планга қўшимча равишда ўн минг сўмлик маҳсулот реализация қилишга сўз берди.

(ЎзТАГ).

Тошкентдаги 3-босмахона ишчи-хизматчилари ўртасида КПСС XXVI съездини шахсий совғалар билан ишчонлаш учун мусобақа тобора авж оляпти. Бу ҳаракатда иштирок этаётган зарбдор матбаачилардан Мақсуда Тўлабоева ва Рашида Маҳмудовалар меҳнатда касбдошларига намуна бўлмоқдалар. Пешқадам ишчилар шу кунларда 1982 йилнинг сўнгги ойлари ҳисобига маҳсулот бершяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

МЕҲРИ ДАРЁЛАР

Азизу меҳрибон доно муаллим
Илму-маърифатда дарё муаллим.

ДАРҲАҚИҚАТ, устозларни меҳри дарёлар дейишади. Биз ёшлар эса ана шу меҳр дарёсидан мисоли сув ичиб ўсамиз, улғаямиз, билим оламиз. Шунинг учун ҳам устозни ондаек ҳурмат қил. — дейишади қадимдан. Бизнинг мактабимизда ана шундай меҳрибон ва жонажон ўқитувчиларимизни шарафловчи кечалар ўтказиш анъанага айланиб қолган.

Яқинда мактабимизнинг мажлислар залида катта кеча бўлиб ўтди. Тантанада саккизинчи, тўққизинчи, ўнинчи синф ўқувчилари иштирок этишди. Бир группа ўқувчилар меҳрибон ўқитувчиларига гулдасталар тақдим этишар экан, қалбдаги миннатдорчиликларини ўз шеърларида ва қўшиқларида изҳор этишди.

Устозларга бағишланган кечада мактабимизнинг химия ўқитувчиси Исомиддин ака Бобомуҳамедов, адабиёт ўқитувчиси Дилобар опа Раҳимова, рус тили ўқитувчиси Валентина Романец каби кекса, тажрибали педагоглар билан бирга ёш, бу шарафли касбга эндигина қадам қўйган ўқитувчилар ҳам қатнашдилар.

Кеча сўнггида мактабимизнинг бадиий ҳаваскорлик тўгараги иштирокида концерт қўйиб берилди. Унда саҳоватли касб эгаларини шарафловчи куй ва қўшиқлар янгради. Айниқса, Ў. Каримов, Н. Пўлатов, А. Алихўжаев каби ўқувчилар ижро этган куй ва қўшиқлар ҳаммага манзур бўлди.

Кеча йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

М. РИХСИЕВ,
С. Раҳимов районидаги 15-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

РЕСПУБЛИКАМИЗ БУЙЛАБ

ЯНГИ ГОРИЗОНТДА

● ЭНГ ЖАНУБИЙ мамлакатдаги «Шаргуньская» шахтасида янги кўмир қавзаси фойдаланишга топширилди. Бу ерда ёқилгининг уч миллион тонна саноат запаслари борлиги аниқланди. Кўмир қатламини ишлаш ҳар йили кўмир қазиб чиқаришни 10—12 процент ошириш имконини беради.

Давлат комиссиясининг қайд этишича, ҳавзани тайёрлашда Ўрта Осиёда энг юксак суръатларга эришилган. Коммунист Виктор Пивнев бригадаси съездолди вахтасида туриб бу ишни муддатидан тўрт ой барвақт адо этди. Меҳнатни оқилона ташкил этиш, проходка мобайнида операцияларни бирлаштириш туфайли ана шундай муваффақиятга эришилди. Шаргунь проходкачиларининг тажрибасини «Средазуголь» бирлашмасининг қардош корхоналарига кенг ёйиш кўзда тутилган.

ШАРГУНЬ.
Сурхондарё области.

ИЛҒОР МЕХАНИЗАТОРЛАР УЧУН КОНЦЕРТ

● РОМИТАН районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг учинчи бўлимида бўлиб ўтган концерт Раҳим Нарзуллаев билан Ҳаловат Пировага бағишланди. Ҳар иккала механик ҳайдовчи КПСС XXVI съезди шарафига қабул қилган мажбуриятини бажарди. Улар 450 тоннадан хом ашё териб олдилар.

Район маданият уйининг «Ромитан» ашула ва рақс ансамблининг қатнашчилари таниқли механизаторларга концерт қўйиб бердилар. Қишлоқ артистлари программага қаҳрамон механизаторларнинг севган қўшиқларини киритдилар.

ОБ-ҲАВО НОҚУЛАЙ КЕЛИШИГА ҚАРАМАЙ

● ШОВОТ пахта заводида ҳосилни қабул қилиш ва қайта ишлаш юксак суръатларига бўлиб ўтган ёмғирлар таъсир қилмади. Заводнинг учта тайёрлов пунктида иш кеча-кундуз ташкил қилинган. Зарур бўлиб қолганда ҳосил икки мартадан қуритилади. Асосий ишлаб чиқариш учун омборларда уч сутка давомида ҳосилни қайта ишлаш учун етадиган қуритилган пахта ҳамиша тахт қилиб қўйилган.

Заводда съезд олди социалистик мусобақаси кенг қулоч ёйди. Мастер Қадам Шомуродов сменаси мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Машина-ускуналар яхши сақланганлиги натижасида жин машинаси унумдорлиги нормадаги кўрсаткичдан 0,4 килограмм кўп тола берадиган бўлди.

Шовот пахта тозаловчилари ҳозирнинг ўзидаёқ топшириққа қўшимча равишда 600 тонна тола ишлаб чиқардилар. Завод коллективи КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрнинг 63 йиллигига чақириқларини баланд руҳ билан кутиб олди. Улар йиллик мажбуриятни анча ошириб бажариш ниятидадирлар.

Хоразм области.

ОИЛАВИЙ ВИСТАВКА

● НАМАНГАН ўлкашунослик музейида очилган виставкага социалистик мусобақа илғорларининг портретлари ва пейзажлар, натюрмортлар, декорация эскизлари қўйилган. Бу асарларнинг авторлари — область музикали комедия ва драма театрининг рассоми Муталиб Аббосов ва унинг ўғли Аваздир. Аваз маҳаллий бадиий устахонада хизмат қилади. Аббосовлар кўпроқ тасвирий санъат билан шуғулланишни севишади. Бу виставка эса ота ва боланинг биргаликдаги биринчи кўргазмасидир.

ҚУРИҚ ҲОСИЛИ ТЕРИБ ОЛИНМОҚДА

● ИЛЬИЧ районидаги «Октябрь 60 йиллиги» совхози пахтакорлари қўриқ далаларнинг ҳосилдорлигини гектаридан ўрта ҳисобда 20,4 центнергача етказишга эришишди. Бу эса бундан уч йил аввалгидан икки баравар кўпдир. Ўша пайтда бу ердан биринчи ҳосил олинганди.

Мавсум бошидан буён ҳозиргача совхоз ватан хирмонига етти минг тонна яъни пландагидан 250 тонна кўп «оқ олтин» топширди. Г. Сафаров, Н. Оқмурзаев, Ў. Мирзақулов бошлиқ бўлимлар, А. Бахтиев, Х. Мамиров, Ғ. Тошматов, Б. Абсолиев бригадалари социалистик мажбуриятларини аллақачон бажариб бўлишган.

Совхоз коллективи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан давлатга планга қўшимча равишда 2500 тонна пахта сотишга, ҳосилдорликни 28 центнергача етказишга қарор қилди.

Ильич области.

(ЎзТАГ).

ҲАММАМИЗ ПАХТАКОРМИЗ

ТЕРИМДА МЕТАЛЛУРГЛАР

Мана бир неча кундирки, Бекобод металлургия заводининг 500 дан ортиқ ишчи-хизматчилари ўзларининг ишдан бўш кунларини район хўжаликлари пахтазорларида ўтказмоқдалар. Улар 1, 2-«Ленинград» ҳамда «Авангард» совхозларида пахта теримида фаол иштирок этмоқдалар. Теримни намунали ўтказиб, район хирмонига муносиб ҳисса қўшиш учун курашаётган ҳашарчилар уч бригадага бўлинишган. Ердамчилар ўзаро мусобақалашиб кунига 8,5—10 тоннадан пахта теришга эришяптилар.

Йиғим-теримда ўз ҳамкасбларига намуна бўлаётган ишчилар кўп. Шаҳар Советининг депутати, завод ветерани Қорабой Ниёзматов ана шулардан бири. У ҳар куни 100 килограммдан ошириб пахта териб беришга эришмоқда.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг республикамизнинг барча меҳнаткашларига қарата қабул қилган Мурожаати заводимиз ишчи-хизматчиларининг бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб юборди, — дейди ветеран ишчи Қ. Ниёзматов. — Биз Мурожаатга жавобан катта меҳнатлар эвазига етиштирилган ҳосилнинг сўнгги мисқоллари териб олингунча пахтакорлар билан ёнма-ён бўлишга аҳд қилдик.

Металлургларнинг ғайрати билан шу кунгача район хирмонига 100 тоннадан ортиқ «оқ олтин» териб тўкилди.

О. ҲАМРОЕВ.

1-«Пискент» совхозининг 4-бўлими механизатори Убай Маматқулов бу йилги йиғим-терим мавсумида ажойиб ташаббус билан чиқди. У фарзандлари Раҳмонқул, Раҳмқул, Абдукарим ва жияни Мусурмонқуллар билан бирга оилавий экипаж тузиб, пахтазорларда жасорат кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Суратда: оилавий экипаж аъзоларини кўриб турибсиз.

А. Икромов фотоси.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУТУН АҲОЛИСИ ФАХР БИЛАН ЎЗИНИ ПАХТАКОР ДЕБ АТАМОҚДА.

БИНОБАРИН, ҲАР БИРИМИЗ ПАХТА УЧУН ЖАВОБГАРМИЗ.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатидан).

КОМСОМОЛ-ЁШЛАР ШИЖОАТИ

ШУ КУНЛАРДА Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхози пахтазорларида чевар теримчилар билан ёнма-ён эгатларда «оқ олтин» тераётган ҳашарчи комсомол-ёшларни ҳам учратасиз. Улар Чирчиқ шаҳри йигит-қизларидан ташкил этилган комсомол-ёшлар зарбдор отрядлари теримчиларидир.

Хўжаликда 360 кишидан иборат ана шундай 5 та бригада пахтакорлар мададкори бўляпти. Пахта теримида айниқса Ж. Мусаев, Д. Перовский, З. Ўтагенова ва бошқалар намуна кўрсатаётирлар. Уларнинг ҳар бири кунига хирмонга 100—110 килограммдан пахта териб тўкяпти.

Зарбдор отрядлар ўртасидаги мусобақада Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати комсомол-ёшларидан ташкил топган коллектив пешқадамликни қўлдан бермай келяпти. Г. Перовский бошлиқ бу отряд аъзолари кунига ўртача 45—50 килограммдан пахта теришмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаати комсомол-ёшларимизни пахтазорларда ғайрат-шижоат кўрсатишга ундаяпти,— дейди шаҳар комсомол комитетининг ходими З. Кенелбоев. — Улар етиштирилган барча ҳосилни йиғиб-териб олингунга қадар пахтакорларнинг мададкорлари бўладилар.

Пахта теримида иштирок этаётган комсомол-ёшларнинг унумли меҳнат қилишлари учун зарур шароитлар яратилган. Улар ҳузурида Чирчиқ шаҳар бадиий ҳаваскорлари бир неча марта концертлар қўйиб беришди. Зарбдор отрядлар коллективларига тиббий ёрдам кўрсатиш учун медицина пунктлари ташкил этилган. Комсомол-ёшлар ўртасидаги социалистик мусобақа натижалари ҳар куни чиқариб турилади ва жанговар варақаларда кенг ёритиляпти.

Ж. РИЗАЕВА.

ЮКСАК ЧЎҚҚИНИ КЎЗЛАБ

ОҚҚЎРҒОН районидаги энг йирик хўжаликлардан бири — С. Сегизбоев номли совхоз коллективи давлатга мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширишни қизғин давом эттираётирлар. Улар бутун куч ва техника воситаларини ҳосил теримига қаратиб, ўнинчи беш йиллиқнинг якунловчи йилида Ватанга 13 минг тонна «оқ олтин» топшириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини ҳам қисқа муддатда бажариш чораларини кўришмоқда.

Ҳозир совхоз пахтазорларида 70 га яқин «зангори кема» жавлон урляпти. Моҳир механик-ҳайдовчилардан Ф. Аҳмедов, М. Юсупов, Ж. Мирзаёров, Н. Адаменко, И. Қобилов, И. Ҳолбоевлар ҳозиргинг ўзида терим агрегатлари бункеридан 150—200 тоннадан пахта тўкишди.

Хўжаликнинг кўпгина бригадалари коллективлари бу йил 50 центнерлик маррани эгаллашни кўзлаяптилар. Улардан Б. Мадризаев, Э. Рўзиев, С. Узоқов, З. Толипов, К. Мамедовлар бошлиқ бригадалар пахтакорлари мўл ҳосил учун курашда байроқдорлик қилмоқдалар.

Пахтазорларда совхоз теримчилари билан ёнма-ён меҳнат қилаётган ҳашарчиларни ҳам учратасиз. Пахта теримида учинчи бўлим коллективига Бўстонлиқ районидаги Ҳ. Олимжон номли 7-мактаб педагоглари ва ўқувчилари яқиндан ёрдам беришяпти.

— Республикамиз партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан биз ҳам ўз ўрнимизни пахтазорда деб биляпмиз,— дейди мактаб директори Ш. Эрназаров.— Мактабимизнинг юқори синф ўқувчилари бўлим далаларида ғайрат билан меҳнат қиляяптилар. Айниқса, ўқитувчиларимиздан Т. Туркменов, А. Асилтоевлар раҳбарлик қилаётган ўқувчилар бригадалари ибрат кўрсатаётирлар.

П. ЭРГАШЕВ.

Суратда: мактаб ўқитувчиси М. Қорақошев пешқадам группа ўқувчиларига фахрий вимпел топширмоқда.

Автор фотоси.

Бекобод районидаги Ленин номли колхознинг Қўшбой Жумабоев бошлиқ бригадаси аъзолари хўжаликда биринчи бўлиб йиллик планни бажарган эдилар. Шу кунларда мажбурият ҳисобига пахта топшириш қизғин давом этмоқда. Суратда: бригада бошлиғи Қ. Жумабоев ва ҳисобчи У. Пирназаровлар пахта қабул қилмоқдалар.

Э. Исмонов фотоси.

ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ

● ЧИНОЗ. «Партия XXIV съезди» совхозида пахта териш ва тайёрлашда А. Абдумаликов бошлиқ бригада коллективи пешқадамликни қўлдан бермай келяпти. Ўнинчи беш йиллиқнинг якунловчи йилида 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 55 центнердан ҳосил йиғиштириб олишга аҳд қилган коллектив анчадан бери давлатга бу юксак мажбуриятлари ҳисобига пахта топширяпти. Йиғим-теримда механик-ҳайдовчи М. Нуралиев, чевар теримчилардан З. Қурбонова, Қ. Исломова, Н. Зуфаровалар кўпчиликка ўрнак кўрсатаётирлар.

А. РАҲИМОВ.

● ЎРТА ЧИРЧИҚ. Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига амалий иш билан жавоб бераётган Ким Пен Ҳва номли колхознинг Б. Шерматов бошлиқ бригадаси аъзолари «оқ олтин» хирмонини тобора юксалтирмоқдалар. Улар шу кунгача 71 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 37 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, планни анча ошириб бажариб қўйишган. Олинган мажбуриятни ҳам қисқа вақт ичида адо этиш учун курашаётган бригада пахтакорлари терим суръатини бўшаштирмаётирлар. Механик-ҳайдовчи А. Нуров, кўпмингкилограммчи теримчилар Г. Тонготарова, Р. Давлатова, Х. Оққулова ва бошқалар пахтазорларда жонбозлик кўрсатишмоқда.

Г. ИСОҚОВА.

● БЕКОБОД. «Победа» колхозида кўпмингкилограммчилар мусобақаси авж олиб кетган. Бу меҳнат беллашувида Мавлуда Хонкелова ва Назира Ҳолбековалар илғорлик қилаётирлар. Мавсумда 12 тоннадан «оқ олтин» териш мажбуриятини олган бу чеварлар ҳозир ҳам хирмонга 100 килограммга етказиб пахта тўкаётирлар.

З. ЮСУПОВА.

● ПИСКЕНТ. 1-«Пискент» совхозининг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Дилбар Норматова бошлиқ бригадаси пахтакорлари Улуғ Октябрь байрамини 75 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 48 центнердан «оқ олтин» хирмони бунёд этиш билан кутиб олишга аҳд қилганлар. Байрамолди зарбдор вахтасида чевар теримчилар Х. Норматова, О. Аҳмедова, С. Усмонова, А. Норматовалар, айниқса, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётирлар.

С. АҲМЕДОВ, Ў. АҲМЕДОВА.

● Шунингдек, **Н. Турсунов, Х. Мустафоев, Ф. Шоймуҳамедова, Н. Тўфонов, О. Тўфонова, А. Ортиқбоев, М. Садиров, А. Ирисбоев, А. Иброҳимов, Х. Мирсолиевалар** ҳам редакциямизга хат-хабарлар йўллашган.

АГИТБРИГАДА ДАЛА КЕЗАДИ

— Агитмашинамиз пахтакорлар ҳузурида ҳар куни бўлади,— дейди район маданият бўлимининг мудири Т. Хидиров.— Дала шийпонларига вақтли матбуот нашрларини келтириш билан бирга деворий газеталар, «Молния»лар чиқарилаяпти. Махсус тузилган концерт программаси асосида туш ва кечки пайтларда хизмат қилаяпмиз.

Шуни таъкидлаш керакки, маданий хизмат кўрсатишда янги-янги формалардан фойдаланилмоқда. Жумладан, ҳар кеч район матбуот маркази билан боғланиб, эртанги куннинг голиблари аниқланади. План ёки социалистик мажбуриятларини бажарган механик-ҳайдовчиларни яна янги меҳнат ғалабаларига руҳлантиришда катта роль ўйнамоқда. Пахтакорларга эстетик ва маънавий завқ бағишлаяпти.

Агитбригада аъзолари шу кунгача К. Маркс, Свердлов номли, «Ўзбекистон», «Политотдел» каби хўжаликларда 33 марта бўлишди. 30 га яқин «Молния» ва деворий газеталар чиқарилди. Лекторлар томонидан турли мавзуларга бағишлаб кўплаб лекция ва суҳбатлар ўтказилди. Район санитария-эпидемиология станциясининг бош врачи О. Ендибоевнинг медицинага оид, Р. Бессенбоевнинг халқаро мавзуларда ўқиган лекциялари пахтакорларда катта қизиқиш уйғотди.

— Бу йилги мавсумга тайёргарлик даври биз учун синов бўлди,— дейди О. Гарифулин. — Бригадамиз томонидан тузилган тадбирларни район партия комитети ҳамда район ижроия комитети маъқуллади. Айниқса, агитмашинамиз область кўригида муваффақиятли қатнашганлиги бизни янада руҳлантириб юборди.

Агитколлектив аъзоларининг репертуаридан кўпроқ Ватан, меҳнат, ёшлик ва севгини улуғловчи қўшиқлар, дилрабо куй ва рақслар ўрин олган. Улар томонидан қўйилаётган интермедия ва кичик саҳна асарлари ҳам дала меҳнаткашларида катта қизиқиш уйғотган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда барча пахтакор. Олий ўқув юртларининг талабалари, шаҳар корхоналарининг ишчи-хизматчилари ҳам долзарб паллада далада. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда агитбригада кечки вақтларда ҳам уларнинг ҳузурида бўлаяпти. Концерт, бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этиляпти.

Яқинда республикамиз партия ва ҳукуматининг матбуотда эълон қилинган Ўзбекистоннинг барча колхозчиларига, совхоз ишчилари, механизаторларига, қишлоқ хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларига, барча меҳнаткашларига Мурожаати район маданият ходимлари, бадиий ҳаваскорлик коллективларини хусусан агитбригада аъзоларини ҳам тўлқинлантириб юборди. Ундаги «...Ўзбекистоннинг бутун аҳолиси фахр билан ўзини пахтакор деб атамоқда. Бинобарин, ҳар биримиз пахта учун жавобгармиз» деган сатрлар касб-коридан қатъий назар ҳар бир инсон зиммасига катта масъулият юклайди ва уни пахтазорда бўлишга, пахтакор юмушини енгиллатишга даъват этади. Буни чуқур ҳис этган агитбригада коллективи йиғим-теримнинг энг сўнгги кунларигача заршуносларга ёнма-ён туриб, уларга маданий хизмат кўрсатишни ўзларининг шарафли бурчлари деб билмоқдалар.

Қ. КАРИМОВ, А. БОБОБЕКОВ.
Коммунистик райони.

БИР САФДА

Олтин кузнинг ҳозирги долзарб палласида ҳаммаларнинг фикри-ёди пахтада. Бепоён пахтазорлар жасорат майдонига, «оқ олтин» учун кураш майдонига айланган. Ёшу-қари, пахтакору механизатор, ўқувчию студент, хизматчию зиёли етиштирилган баракали «оқ олтин»ни нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш, зафар маррасини тезроқ эгаллаш иштиёқида майдонга чиқиб, хирмонга кун сайин барака киритмоқда.

Бебаҳо бойлигимиз, халқимизнинг миллий ифтихори бўлган «оқ олтин» учун курашга отланганлар орасида бўлажак шифокорлар — билим юртимизнинг талабалари ҳам бор. Ўқув юртимизнинг 700 дан ортиқ ўқувчиси Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхоз заршуносларининг бир сафда тутиб меҳнат қилмоқда, хўжаликнинг улкан дур хирмони тезроқ юксалишига катта ҳисса қўшмоқда.

Бўлажак шифокорлар кунига 40—45 тоннадан «оқ олтин» теришга эришмоқда. Уларнинг эл хирмонига тўккан пахталари 250 тоннадан ошиб кетди.

Пахта теримида иштирок этаётган талабаларимиз ўртасида социалистик мусобақа авж олган. Бу ўз самарасини бераётир. Терим суръати, иш унуми кун сайин ортмоқда. Буни билим юртимиз бўйича ҳар бир ўқувчи ҳисобига кунига ўртача 60—65 килограммдан «оқ олтин» терилаётганлиги ҳам исботлаб турибди.

Группалар ўртасидаги социалистик мусобақага ҳар беш кунда якун ясалиб, голиблар рағбатлантириляпти.

Ҳозир мусобақада ўқитувчиларимиздан Олим Деҳқонов ва Худойберди Абдураҳмоновлар раҳбарлик қилаётган группаларнинг талабалари пешқадамлик қилишмоқда. Бу группаларда кунига ҳар бир ўқувчи ҳисобига 75—80 килограммдан «оқ олтин» тўғри келяпти.

Ўқувчиларимизнинг кўпчилиги 110—120 килограммдан пахта теришга эришмоқда. Айниқса, Лола Юнусова, Гулсара Қиёсова, Собира Мақсудова, Зиёда Икромова, Дилбар Мирзақулова, Татьяна Пелагина-сингари талабалар ўрнак кўрсатишмоқда. Қизлар ҳозиргача 1,5—2 тоннадан пахта териб қўйдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатида «Ҳозирги долзарб, масъулиятли кунларда пахтани тезроқ йиғиб-териб олишда деҳқонларга кўмаклашиш — республикадаги ҳар бир кишининг бурчидир» деган оташин сўзлар педагог ва ўқувчиларимизни ҳам далаларда жасорат кўрсатишга руҳлантириб юборди. Улар республика партия ва ҳукуматининг бу даъватига жавобан эл хирмонига камида минг тонна «оқ олтин» тўкишга аҳд қилдилар. Билим юртимиз коллективи далалардаги ҳосилнинг сўнгги мисқоли йиғиштириб олингунча пахтакорлар мададкорлари бўладилар.

С. ЭРНАЗАРОВА,
Янгийўлдаги Абу Али ибн Сино номли медицина билим юртининг директори.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК УЧУН КУРАШНИНГ ОЛДИНГИ САФИДА

Чет эл матбуоти, кўп мамлакатларнинг таниқли снёсат ва жамоат арбоблари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Ранси ўртоқ Л. И. Брежневга тинчлик ва ҳамкорлик учун халқаро «Олтин Меркурий» мукофоти берилганлигини ҳали ҳам шарҳламоқдалар. Бу юксак мукофот — КПСС ва Совет давлати раҳбарининг тинчликни мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш йўлидаги курашга қўшган жуда катта ҳиссасидан далолат берувчи яна бир нишона эканлиги таъкидланмоқда.

Раис Л. И. Брежнев кескинликни юмшатишни ва тинчликни мустаҳкамлашга, турли мамлакатлар ва халқлар ўртасида тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ривожлантиришга қанчадан-қанча куч ва ғайрат сарфлаётганини бутун дунё кўриб турибди, деди «Олтин Меркурий» мукофоти фахрий халқаро комитетининг вице-президенти **Энрике де ла Мата Горостисага** (Испания). Ҳозир биз тинчлик шароитида яшаб турган эканмиз, бунда Совет Иттифоқи билан унинг раҳбарининг хизмати жуда катта. Тинчлик эса инсониятнинг улуғвор ғалабаси ва неъматидир.

Совет раҳбарига «Олтин Меркурий» халқаро мукофотининг берилиши — СССРнинг халқаро иқтисодий алоқалар ривожига қўшган ва қўшаётган жуда катта ҳиссасидан яна бир далилдир, деб таъкидлади Италия-Совет савдо палатасининг бош секретари **Эмилио Рокки**. Савдо-сотиқ кескинлик шароитида, жанжаллар ва можаролар вазиятида муваффақиятли ривожланиши мумкин эмас. Иккинчи томондан, халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг ўзи — давлатлар ва халқлар ўртасида тинчлик ҳамда яхши мунасабатларни мустаҳкамлашнинг муҳим омилидир. Шарқ билан Ғарб ўртасидаги савдо-сотиқ иккала томонга манфаатлидир, шу сабабли бу тенг ҳуқуқли савдо-сотиқни ривожлантириш — кескинликни юмшатиш ва тинчлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш демандир.

Бизнинг нотинч давримизда, инсоният маданиятини ҳалокат ёқасига олиб бориб қўя оладиган оммавий қирғин воситалари бир неча давлат қўлига тўпланган бир пайтда халқаро савдо-сотиқнинг тинчлик келтирувчилик роли айниқса катта, деб таъкидлайди Венгрияда чиқадиган **«Непсабадшаг»** газетаси.

Л. И. Брежнев ўзига «Олтин Меркурий» мукофоти топширилиши муносабати билан сўзлаган нутқида Ленининнинг: баҳслашиш мумкин, бироз низолашиш мумкин, келишмасдан ҳар тарафга қараб кетиш мумкин, лекин ҳар ҳолда, пировардида, Совет Республикаси билан қолган бутун капиталистик дунё ўртасидаги тўғри савдо алоқалари муқаррар илгари силжийверади, деган доҳиёна сўзларини эслатиб ўтди, деди Франциядаги «Спейшим» фирмасининг президенти **Пьер Бийкок**. Ленининг мана шу сўзларини турмуш тўла-тўкис тасдиқлади. Ғарб билан Шарқ ўртасидаги иқтисодий алоқалар ривожланмоқда ва бундай алоқалар зарур, чунки булар — халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилидир.

«Олтин Меркурий» юксак мукофотига сазовор бўлган Совет раҳбари АҚШни реалистик снёсат ўтказишга, ўткир халқаро проблемаларни, аввало қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартиришга тааллуқли масалаларни ҳал этишда СССР билан амалий ўзаро ҳаракатни яна бошлашга чақирмоқда, деб таъкидлайди Американинг **АП ахборот агентлиги.**

(ТАСС, 15 октябрь).

АКСИЛИНҚИЛОБЧИЛАРГА ҚАРШИ КУРАШГА

КОБУЛ, 15 октябрь. (ТАСС). Кўнгиллилар — Афғонистон ёшлари демократик ташкилотининг аъзоларидан тузилган биринчи батальон бу ёрдан аксилинқилобчиларга қарши курашга тантанали вазиятда жўнаб кетди. Шу муносабат билан Кобулда ўтказилган митингда АХДП Марказий Комитетининг аъзоси, АДР Революцион кенгаши президиумининг аъзоси Абдул Қодир оқ йўл тилаб нутқ сўзлади. У революцион ёшларга мурожаат қилиб, Апрель революциясини Афғонистоннинг қаҳрамон фарзандлари амалга оширганлигини ва унинг ғолибона ривожланиши мамлакат ёшларига қўлида эканлигини айтди. У Афғонистон ёшлари демократик ташкилотининг аъзоларини Апрель революциясининг, ўз ватани мустақиллиги ва озодлигининг душманларига қарши қатъий кураш олиб боришга даъват этди.

Кобулдан олинган хабарларга кўра, АДРнинг халқ қуролли кучлари партия активлари билан биргаликда ва аҳолининг мадади билан Саманган вилоятида яна бир шайкани тор-мор қилдилар.

МУҲИМ СИЁСИЙ ВОҚЕА

ДАМАШҚ, 15 октябрь. (ТАСС). Сурия Коммунистик партиясининг Бош секретари Х. Баҳдол раислигида 13—14 октябрь кунлари Дамашқда Сурия Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум қабул қилган қарорда қуйидагилар айтилади: Сурия Коммунистик партиясининг Марказий Комитети Сурия билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг имзоланганлигини тарихий аҳамиятга молик муҳим сиёсий воқеа деб, давримизнинг икки буюк кучи — жаҳон социализми билан миллий озодлик ҳаракатининг империализм ва сионизмга қарши, халқлар озодлиги, мустақиллиги ва тараққиёти учун, бутун дунёда кескинликни юмшатиш жараёнини мустаҳкамлаш учун биргаликда олиб бораётган курашида улар ўртасидаги мустаҳкам иттифоқнинг равшан ифодаси деб баҳолайди.

Мазкур шартнома, деб таъкидланади қарорда, икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама мунасабатлар ривожининг мантиқий якуни бўлиб, бу мунасабатлар тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаат, томонларнинг суверенитетини ҳурматлаш асосида қурилмоқда.

Конвейлардан очганда

КООПЕРАТОРЛАР УЧУН САНАТОРИЙ

ТОШКЕНТ минерал сувлар санаторийси яқинида яна бир шифо даргоҳи бунёдга келяпти. «Узкоопстроймонтаж» трестининг кўчма механизациялашган отряди қураётган 500 ўринли бу санаторий савдо ходимлари учун мўлжалланган.

Айни кунларда объектда иш қизғин. Уч бригададан иборат 60 кишилик азамат қурувчилар кун сайин сурʼатни жадаллаштиришяпти. Абдумутал Жўлдосбеков бошлиқ комплекс бригада мусобақада пешқадамлик қилмоқда.

Санаторийни 1982 йилда фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Бу ерда ревматизм, ошқозон-ичак, жигар, буйрак касалликлари даволаниши кўзда тутилган.

Т. ДУСОНОВ.

КИЧКИНТОЙЛАР МАСКАНИ

Ғалаба районидаги 1-«Солнишко» болалар боғчасида турли миллат вакиллари тарбияланади. Боғча 140 ўринли бўлиб, унда бешта бўлим мунтазам ишлаб турипти. Хоналар кенг ва ёруғ, кичкинтойларнинг яйраб ўсишлари учун эса керакли бўлган барча жиҳоз ва ўйинчоқлар бор.

— Ҳар шанба ва якшанба кунлари боғчамиз атрофи коллективимиз томонидан ободонлаштириб борилади, — дейди боғча мудираси В. Мяскова. — Бу ишларга айрим вақтларда ота-оналар ҳам жалб этилади. Бундай тадбирлар боғчамизни хушҳаво ва кўркам бўлишида катта аҳамиятга эга.

Яқинда болалар боғчаси жорий ремонтдан чиқарилди. Ремонт ишларини бажарган колхозлараро коммунал хизмат кўрсатиш комбинати қурувчиларига тарбиячилар ҳам яқиндан ёрдам беришди. Ҳозирги кунда боғчанинг чиройи янада очилган.

Н. БОБОҚУЛОВА, А. АБДУСАТТОРОВ.

КУТУБХОНАДА КЛУБ

МЕМУАР асарлар ихлосмандлари тобора кўпайиб бормоқда. Бундай ижод намуналарини оммалаштириш китоб пропагандасининг муҳим соҳасига айланиб қолди. Республика китобхонлар жамияти томонидан бу масалага алоҳида эътибор берилаётгани ҳам ана шундан.

Ҳозир жойларда мемуар адабиётларни севувчи китобхонлар клубларидан бир нечтаси ташкил этилган. Чирчиқдаги шаҳар марказий кутубхонасида ҳам бундай маданият ўчоғи иш бошлади. Республика китобхонлар жамиятининг аъзоси сифатида қатор ибратли ишларни амалга оширган И. Б. Перцигер ташаббуси билан очилган бу клуб ўз фаолиятини жонлантириб юборди.

Клуб машғулотларида мамлакатимизда мемуар асарларнинг яратилиши тарихига оид махсус лекциялар ҳам ўқилади. Атоқли адиблар билан бўладиган учрашув кечаларида бу адабий жанрнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича саволжавоб ташкил этилади.

А. АКБАРОВ.

Шунингдек, редакциямизга Тошкент районидан Ж. Маҳкамов, Пискент районидан Ҳ. Мирсолиева, Ленинобод шаҳридан С. Парпиев, Қашқадарё область Шаҳрисабз районидан М. Мирзаев, Чиноз районидан У. Абдумаликовалар ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

„109“ ЖАВОБ БЕРДИ

[ШИФОКОРЛАР ЖАСОРАТИ ҲАҚИДА РЕПОРТАЖ]

— ТЕЗРОҚ ёрдам беринг... Сакқиз боланинг онаси ўлаяпти... Аҳволи оғир, дард тутяпти...

Дафъатан эшикдан отилиб кирган жувон бошқа гапира олмади. Унинг усти-боши шаррос ёғаётган ёмғирдан шалаббо бўлган, тоғ йўлида тиниб-сиз югурганидан эса нафаси бўғзига тиқилиб қолган эди. У аранг оёқда турарди... Пском об-ҳаво хизмати пунктининг бошлиғи Йўлдош Ваҳобов кутилмаган бу воқеадан дастлаб саросимага тушди-ю, дарҳол ўзини қўлга олди.

Йўлдош рация ёнига яқинлашди. Тошкентни чақирди. Ололмади. Линия банд эди. Яна уринди. Бўлмади. Нима қилиш керак! Шу пайт ҳаёлига Тўйтепа орқали боғланиш келди. «Тўйтепа, Тўйтепа, жавоб беринг, Тўйтепа...» Трубкада ингичка овоз эшитилди. «Мен Тўйтепа, эшитаман...» Йўлдош Ваҳобов ўрнидан туриб кетди.

— Алло, алло, синглим, сиздан илтимос, Тошкентга хабар қилинг, санавиацияга айтишсин, Бўстонлиқ районининг Такаёнғоқ қишлоғида кўп болали она оғир аҳволда, дзрди тутганми, оғирлашиб қолибди, хомиладор, зудлик билан ёрдам беришсин... Фамилияси Турсунбекова... Прием...

Й. Ваҳобов пешонасида тер томчилари ялтирай бошлади.

— Тушундим, Тошкентга хабар қиламан...

— Раҳмат, раҳмат, синглим!..

Тўйтепа об-ҳаво хизмати пунктининг диспетчери Л. М. Жўраева тезда пойтахт билан боғланишга муваффақ бўлди. Ўзбекистон ССР гидрометеорология хизмати қошидаги алоқа бўлимига воқеани хабар қилди. Радиотелеграмма қабул қилиб олган Анастасия Васильевна Артёмова бўлим ходими Юрий Антонович Ермоленко ёнига югурди.

— Юра, илтимос, тез қимирла, одам ўляпти... Санавиацияга хабар қил...

Бир парча қоғозга зудлик билан кўз югуртириб чиққан Ю. А. Ермоленко телефонга ёпишди.

— Ким бу, алло, ким бу?!

— Тошкент область бирлашган касалхонаси қошидаги санитария авиацияси бўлимининг катта ҳамшираси Озерова эшитади.

— Об-ҳаво бюросидан телефон қилаяпмиз. Яшин тезлигида чора кўринглар! Бўстонлиқ районининг Такаёнғоқ қишлоғида кўп болали аёл ажал чангалида. Хомиладор. Улай деяпти. Фамилияси Турсунбекова. Тезда ёрдам беринглар. Тушундингизми?!

— Ҳа, ҳа, сизни яхши тушундим, дарҳол ҳаракат қиламиз.

Н. Т. Озерова телефонограммани чангаллаганча шошиб бўлим мудири Босит Кабировичнинг олдига кирди... Босит аканинг йирик қора кўзлари ўйнаб кетди. Бундай кезларда унинг фикри жуда тез ва аниқ ишларди. Тезкорлик, тўғри қарор қабул қилиш Улуғ Ватан уруши иштирокчиси, ҳарбий врач бўлган Б. Кабировга жанг йилларидан одат бўлиб қолган. Дам ўтмай у бош врач Л. Ф. Бекнозова ҳузурида пайдо бўлди. Унга воқеани гапириб берди.

— Бир дақиқа, ҳам кечиктирмай вертолёт юборинг... Бўлақолинг, отахон... — деди Лола Файзуллаевна ва бир зум ўйланиб қолди.

Л. Ф. Бекнозова шифокор, она, аёл киши сифатида бундай вазиятларга кўп йиллик иш фаолияти давомида неча бор дуч келган. У ўлим билан яккама-якка олишаётган, тўлғоқ оғушида азоб чекаётган ёлғиз хаста онани бир зум кўз олдига келтирди. Ҳеҳкиси йўқ, ҳадемай унга ёрдам етиб боради... Санитария авиацияси бўлимида навбатчилик қилиб не-не касалларни ҳаётга қайтарган ажойиб, қўлигул шифокорлар — Р. Т. Турдиниёзов, А. С. Хубиев, В. Н. Савкова, М. Саъдиев, доцент И. Мусаев, кафедра мудири И. Субҳонқуловларни бош врач жуда яхши билади. Уларнинг маҳорат ва жасорати олдида ҳар қандай ажалнинг чекиниши шубҳасиз. Бу сафар ҳам ғалаба врачлар томонида бўлиши керак!..

Босит ака орқага қайтар экан, унинг ҳаёлида фикрлар ғужғон ўйнарди. Энг ёмони — шу пайтда вертолетнинг йўқлиги эди. Чунки, вертолет ҳали шу бугун ортопедия ва травмотология институтининг консультанти Тошпўлат Нуриев билан зарур ёрдам кўрсатиш учун соат ўн бирларда Пскомга учиб кетган эди.

Эҳ, энди нима қилмоқ керак?! У ерларга самолёт юборибмиз... Такаёнғоқ Пскомга яқин эмасмикин?! Уша вертолётнинг ўзига хабар қилиб, Нуриевдан хастани олиб келишни илтимос қилсакчи?! Тўғри, шундай қилмоқ керак?..

Б. Кабиров тўппа-тўғри Н. Т. Озерованинг олдига кириб борди.

—Нина, қайтадан об-ҳаво бюросига телефон қил, сен билан гаплашган ходимдан илтимос қил, учиб кетган вертолёт — «109»нинг командирига айтсин, йўлма-йўлакай Турсунбекович ҳам олиб келишсин!.. Бошқа илож йўқ.

Н. Озерова бош иргади ва индамай тез-тез телефон рақамларини тера бошлади. Трубкада «Алло», деган овоз эшитилди.

— Сиздан катта илтимос, рация билан боғланиб, эрталаб ўн бирда Пскомга учиб кетган вертолётга бўлим мудирининг буйруғини етказсангиз. Бир йўла Такаёнғоқдаги ҳомиладор аёлни ҳам олиб келишса...

— Хўп бўлади, уриниб кўраман. Вертолёт экипажига гапларингизни етказаман.

Гидрометеорология хизмати ходими Ю. А. Ермоленко қайтадан рация ёнига яқинлашди. У зўр бериб узоқдаги «109» командирини чақира бошлади. Ниҳоят «109» жавоб берди.

— Ҳа, мен, 109 командири Виталий Васильевич Митрохинман...

— Виталий Васильевич, — деди Ермоленко жиддий, — Такаёнғоқ қишлоғида бир аёл оғир аҳволда экан. Хомиладор. Кўз ёра олмаяпти, чоғи. Санавиация бўлими мудири бир йўла уни ҳам олиб келишингизни буюрди.

Янги буйруқ олган заҳоти вертолёт командири ўз шериклари Омонуллахон Қодирхонов, Виктор Федорович Пигуля ва врач Тошпўлат Нуриевларга ҳозир Такаёнғоқ қишлоғи томон учажакларини маълум қилди.

Орадан бир соат ўтар-ўтмас Чотқол тоғлари тепасида 25647 рақамли кулранг вертолёт пайдо бўлди. У ярим доира ясади-да, паға-паға булутларни кесиб, Тошкент шаҳри томон равона бўлди.

...Мўъжазагина аэропортда жим-житлик. У ер бу ерда кўзга ташланаётган яккам-дуккам кичкина самолёт ва вертолётларни эътиборга олмаганда жуда кенг майдон бўм-бўш. Қош қораяр-қораймас аэропортга яна бир вертолёт келиб қўнди. Тўрт соатдан бери уни сабрсизлик билан кутаётган 18—56 ТШП «Тез ёрдам» машинаси қанотли нажоткор қўнган ерга ғизиллаб кетди. Бироздан кейин эса шофёр С. Собиров 12-туғруқхонани мўлжаллаб йўлга чиқди...

Р. УМАРОВ.

РЕДАКЦИЯДАН: Бу воқеа шу йил 13 октябрь куни содир бўлди. 14 октябрь куни эса эрталаб 12-туғруқхонага қўнғироқ қилдик. Ҳомиладор онага биринчи ёрдамни кўрсатган врач Татьяна Владимировна Жамолбекова шундай деди:

— Турсунбекова бизнинг қўлимизга жуда оғир аҳволда келди. Томирлари деярли урмас, нафас олиши сезилмасди. Унинг ҳаёти қил учида эди. Биз тез ёрдам чораларини кўрдик. Икки литрга яқин қон қуйдик. Натижа яхши бўлди. Меҳнатларимиз зое кетмади. Зинапбибй кўз ёрди. У уч эгизак —Ҳасан, Ҳусан ва Зуҳра ҳадя қилди. Она ва чақалоқлар ўзларини яхши ҳис қилишмоқда. З. Турсунбекова ўзи ва уч эгизак номидан уни ўлимдан сақлаб қолган нажоткорларга ташаккурлар айтмоқда. Унинг раҳматларини газета орқали етказсангиз...

— Бажонидил. Биз энди ўн бир фарзанд волидаси, совхоз ишчиси Зинапбибининг, шунингдек янги меҳмонлар — Ҳасан, Ҳусан ва Зуҳраларнинг миннатдорчиликларини уларнинг ҳаётларини сақлаб қолишда тезкорлик, жасорат ва фидоийлик кўрсатган барча ўртоқларга зўр мамнуният билан топширамиз!..

БОҒДА МУЗЕЙ

Ўрта Осиё территориясида ўсадиган гиёҳ ва ўсимликларнинг кўпи шифобахш хусусиятга эга. Яшил бойликнинг ана шу хил бебаҳо хусусиятини аниқлашда тиббиёт илмининг буюк намоёндаси Абу Али ибн Синонинг хизмати катта бўлди.

Улуғ олим асарларида талайгина гиёҳларнинг инсон саломатлигида тутган ўрни моҳирона таърифлаб берилган эди. Ана шундай ноёб ўсимлик турларини тўплашда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тошкентдаги Ботаника боғи коллективи ибратли ишларни олиб борди. Мазкур боғда ибн Сино таърифлаган гиёҳлар билан боғлиқ алоҳида зона ташкил этилди.

БИБЛИОГРАФИК КЎРСАТКИЧЛАР

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. Сулаймонов номли Қўлёзмалар институтида кутубхонашунослик манбалари билан боғлиқ библиографик кўрсаткичлар тайёрлаш борасида дастлабки тажрибалар тўпланди. Бу изланишлар илмий муассаса нашр этаётган «Адабий мерос» тўпламларида ўз аксини топди.

Адабиётшунос олим М. Ҳакимов томонидан тузилган автореферат лар библиографияси орқали филология ва санъатшуносликка оид мавзуларда ҳимоя қилинган диссертациялар билан танишиш мумкин бўлди. Ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий архиви библиографияси ҳам шу институтда тайёрланди.

«Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий» номли мазкур қўлланмада 700 дан ортиқ ноёб ҳужжатлар тартибга солинди. Бу нашр Ҳамзанинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда муҳим библиографик манба бўлиб қолди.

МУКАММАЛ ЎҚУВ КОРПУСИ

Ешларнинг касб танлашини янада яхшилаш йўлида кўпгина ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўқувчиларга ишлаб чиқариш таълими берадиган махсус устахона ва лабораториялар очилди.

Мактабларароб ўқув-ишлаб чиқариш комбинатига мос замонавий корпуслар қуришга ҳам киришилди. Бундай ўқув даргоҳларининг биринчиси пойтахтимизнинг Сергели районида қад кўтаради. Бино уч қаватдан иборат бўлиб, бу ерда ўқувчиларни касбга йўналтирувчи барча қулайликлар муҳайё қилинади. «Ташгипрогор» институти инженер ва архитекторлари лойиҳаси асосида қуриладиган бу корпус ёпларнинг чинакам техника ижодкорлиги масканига ҳам айланади. Турли тўгараклар ишлаб туради.

ИЖОДИЙ БАРКАМОЛ ОРКЕСТР

ЎЗ концерт репертуарини ранг-баранг музика асарлари билан бойитиб, ижрочилик маҳоратини тинмай ошираётган бу оркестр эндиликда республикамиздагина эмас, қардош республикаларда ҳам яхши таниш.

Чиндан ҳам М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси ҳузуридаги студентлар симфоник оркестри музика ихлосмандларининг севимли ижодий коллективларидан бирига айланиб қолди. Истеъдодли дирижёр Қувонч Усмонов бадиий раҳбарлигида у ҳар томонлама кенгайди ва мустаҳкамланди.

Оркестр репертуарига назар ташлаган киши бу коллектив мураккаб музика асарларига ҳам мурожаат этаётганлигидан воқиф бўлади. Унинг программалари кейинги йилларда жаҳон симфоник музикасининг энг дурдона асарлари билан бойиди. Л. Бетховеннинг Бешинчи симфонияси, Ф. Шубертнинг «Тугалланмаган симфонияси», П. Чайковскийнинг «Манфред» симфонияси оркестр ижросида тингловчиларга катта завқ бағишлади.

Оркестр машҳур композитор С. Раҳманинов ижодининг тарғиботчиси сифатида ҳам кўп иш қилди. Бу ижодкорнинг Иккинчи симфонияси яқинда унинг программасидан ўрин олган эди. Ҳозирги кунда чолғучилар коллективи шу композиторнинг «Алеко» операси партитураси устида қизғин иш олиб бормоқда.

А. АЛИЕВ.

Маданият хроникаси

Суратда: [чапда] санитария авиацияси бўлими катта ҳамшираси Н. Т. Озерова, 12-туғруқхона шифокорлари Т. В. Жамолбекова, бўлим мудири С. Г. Автухова, кафедра ассистенти А. З. Юсуповалар. [Ўнг да] З. Турсунбекова Ҳасан, Ҳусан ва Зуҳралар билан.

А. Абалян фотолари.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

ТЕРМА КОМАНДА ҒАЛАБАСИ

Ўтган куни Москвада СССР ва Исландия футболчилари ўртасида жаҳон чемпионатининг саралаш ўйини бўлди. Маълумки, 3 сентябрда Рейкъявикда шу командалар ўртасида бўлиб ўтган дастлабки ўйинда спортчиларимиз 2:1 ҳисобида устун келишган эди.

Жавоб учрашуви футболчиларимизнинг тўла устунлигида ўтди ва 5:0 ҳисобида тугади. Тўпларни Андреев (2 та), Оганесян (2 та) ва Бессоновлар киритишди.

Шундай қилиб икки учрашувда 4 очко тўплаган СССР терма командаси группада пешқадамликни қўлга олди. Совет футболчилари иштирок этаётган группада иккита йўлланма учун Уэльс, Исландия, Туркия ва Чехословакия командалари ҳам қатнашмоқда.

АНДИЖОНЛИК ҚИЗЛАР ЯНА ЧЕМПИОН

Чим устида хоккей бўйича аёллар ўртасида олий лига қатнашчилари мавсум ўйинларини тугатдилар. Мамлакатимизда спортнинг бу турига асос солган андижонлик қизлар яна олтин медаль эгаси бўлишди. Ўтган куни Тошкентнинг «Университет» командасини қабул қилиб, 5:0 ҳисобида голиб келган «Андижанка» командаси сўнгги ўйин натижасидан қатъий назар биринчи ўринни олди. Москва областининг «Спартак» хоккейчилари иккинчи, Олмаотанинг «Связист» командаси учинчи бўлди.

СУВДАГИ ГОЛЛАР

Митрофанов номли сув спорти саройида ватерпол бўйича республика чемпионати давом этмоқда. Ғолиблик учун 5 команда куч синашяпти. Биринчи ва иккинчи кунги ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Меҳнат» — «Спартак» — 10:2, «Буревестник» — «Меҳнат резервлари» — 4:2, «Спартак» — «Ёш куч» — 5:3, «Меҳнат резервлари» — «Ёш куч» — 1:5.

АНЪАНАВИЙ ТУРНИР

Тошкент тўқимачилик комбинати спорт комплексида кўл тўпи бўйича Ўзбекистон ССР Министрлар Совети совғини учун навбатдаги анъанавий турнирда тошкентнинг «Старт» командаси муваффақиятли қатнашмоқда. Бу клуб вакиллари иккинчи кун Ўзбекистон ўқувчилар терма командаси билан учрашиб, йирик — 27:12 ҳисобида ғалабага эришдилар.

ЛЬВОВЛИК ГРОССМЕЙСТЕР ОЛДИНДА

Тошкент Давлат университети маданият саройида шахмат бўйича биринчи лига қатнашчилари бахсида львовлик халқаро гроссмейстер А. Белявский 9-турдан кейин 6,5 очко билам пешқадамликни қўлга олди. Уч шахматчи — С. Долматов, Н. Рашковский ва О. Романишинлар ҳисобида 5,5 тадан очко бор. Республикамиз вакили Г. Аъзамов эса 4 очко тўплади.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

СУВНИ КИМ ТЎСАДИ

Биз ким, пойтахтнинг Чуқурсой кўчаси 1-тупигида истиқомат қилиб турувчилар ажойиб-ғаройиб бир ҳолдан бошимиз гаранг. Кўчамиздан ўтган водопровод трубаси 6—7 жойидан тешилиб, мана 5 ойдирки худди эртаклардагидай дарё кечиб юрибмиз. Пишқириб оққан сувдан асфальт кўча бузилиб, ўнқир-чўнқир бўлиб кетган. Ундан машинада ўтган шофёр таваккал қилишдан олдин ёқасини 3—4 бор ушлаб қўяди.

Кўча-ку майли, сувнинг намидан уйларнинг девори заҳлаб кетди. Бу ҳол яна давом этаверса, деворларнинг қулаши, уйларнинг босиб қолиши ҳеч гапмас.

Аянчли бу аҳволимиз ҳақида тегишли идораларга бир неча марта мурожаат қилдик. Лекин наф тегмаяпти. Шаҳарда зилол водопровод суви танқислигини биламиз. Аммо сувни исроф қилмаслик ҳақида дабдаба билан лоф урган ўша бошлиқларни бугун қаердан топса бўлади? Аҳолининг бу ўринли арзини ким инобатга оларкин? Наҳотки С. Раҳимов район ижроия комитети раҳбарлари маҳалламиздаги бу сув тошқинидан бехабар бўлишса?!

«Ҳамза» маҳалласи аҳолиси номидан: А. Аъзамбеков, Ю. Мўминов, М. Рамазонов, А. Ғофуров ва бошқалар.

Редактор Н. НАСИМОВ.

Реклама ва эълонлар

М. Қорнёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

18, 19 ОКТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

ҚЛАССИК, ЛИРИК АШУЛАЧИЛАР ВА РАҚҚОСАЛАР ДАВРАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

Қувондиқ ИСКАНДАРОВ

Шариф СУЛТОНОВ, Ҳолисхон ҚОДИРОВА, Мўътабар ИЎЛДОШЕВА.

Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Нуржаҳон САТТОРОВА, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Роза КАРИМОВА, Муҳаббат КУБАНОВА, Ражаб ИСМОИЛОВ, Таваккал ТУРСУНОВА.

Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли.

Программани Ўткир СИДДИҚОВ олиб борадн.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг

«СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» ТРЕСТИГА:

экскаватор машинистлари, бульдозер ва автогрейдер ҳайдовчилари, ремонтчи слесарлар, монтажчилар, газ пайвандчилар, токарлар, шофёрлар, миноралн кранларнинг, автокранларнинг машинистлари, йўл монтёрлари, электр слесарлар, дурадгорлар.

ОКТЯБРЬ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ 1-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИГА:

бульдозерлар ва кўприкли кранларнинг машинистлари.

ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

ЧИЛОНЗОР РАЙОН МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА:

слесарь-сантехниклар, газ-электр пайвандчилар, расчёт ва материал бўлимларига бухгалтерлар. Елгизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг

1-ТОШКЕНТ УЙ ҚУРИШ КОМБИНАТИГА:

бетончилар, бўёқчилар, суводчилар, дурадгорлар, ойна солувчилар, монтажчилар, электр-газ пайвандчилар. Елгизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИГА:

токарлар, фрезерчилар, пармаловчилар, силлиқловчилар, штамповкачилар, контролёрлар, созловчилар, кранчилар, слесарь-ремонтчилар, йигувчилар, тракторчилар. Елгизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

БИЗНИНГ АДРЕСЛАРИМИЗ:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.

ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ—У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ—2-квартал, 3-уй.

ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.

ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 38-уй.

КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 39-уй.

КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.

С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.

А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ—22-квартал, 13-уй.

СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — райисполком, Совет Армияси хиёбони.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 —Биринчи курьер. Бадиий фильм. 11.40 — Қалбга яқин қўшиқлар. 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — Жон Рид. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 16.55 — Концерт. 17.30 — Подмосковье учрашувлари. 18.00 —Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Илмий оммабоп фильм. 19.50 — Эрмитаж. 20.20 — Концерт. 21.30 — Время. 22.15 — Хоккей. ЦСКА — «Динамо» (Р). Танаффусда — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Буратино. Спектакль. 13.30 — Контрабанда. Бадиий фильм. 18.20 — Қўғирчоқ фильмлар. 18.40 — Ёшлик. 19.10 — 1980 йил планини 7 ноябрга бажарамиз. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Белоруссия телевидениесининг программаси. 20.30 — Ахборот. 20.50— Белоруссия телевидениеси программасининг давоми. 21.30 — Время. 22.15 — Дунё воқеалари. 22.45 — Жангга тайёрман. Бадиий фильм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Бизнинг бош мухбиримиздан. 20.55 — Реклама. 21.10—Бошланғич мактаб: муаммолар ва ечимлар. 21.40 — Телефильм.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17|X да Ҳижрон, 18|X да Тўйдан олдин томоша, 19/X да Ур, тўқмоқ (16.00). Тошкентнинг нозанин маликаси (19.30).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва цирки артистларининг гастроллари (19.30).

ДОИМИЙ ИШГА

печатниклар, қабул қилувчилар, муқовачилар ва санаб ўтилган мутахассисликлар бўйича шогирдлар, слесарь-сантехниклар, компрессорли ва совутиш қурилмаларининг машинистлари, аккумуляторларни зарядловчилар, газ пайвандчи, контролёрлар, ёрдамчи ишчилар, фаррошлар, қоровуллар, вахтёрлар, фрезерчилар, слесарлар, токарлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17|X да Нодирабегим, 18|X да Олтин девор, 19/X да Абу Али ибн Сино.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

18 ОКТЯБРЬ СОАТ 17.00 ДА

СССР биринчилиги учун олий лигаларнинг «СПАРТАК» (Москва) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь —334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 02297 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри, Индекс 64633, Б. 1710. 14